

## ЧОРВАДОР ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ УЧУН АЛМАШУВЧАН КУЗОВЛИ АГРЕГАТ

*Холбутаев М.О. -магистр, Зулфалиев И.Э. -талаба,  
Алижанов Д. -доцент, ТИҚХММИ*

### Аннотация.

Мақолада Чорвадор фермер хўжаликлари учун ташиш транспорт ишларининг механизациялашганлик ҳолати тахлили хориждан келаётган техникалар тавсифлари ва улардан фойдаланиш ҳолати ҳамда ушбу йўналишда истиқболли илмий-тадқиқотлар олиб бориш режалари келтирилган.

Асосий мақсад. Чорвадор фермер хўжаликлари учун озуқаларни ташиш ва тарқатиш ҳамда фермер хўжаликлари ички ишларида маҳсулотларни транспортировка қилиш учун ўзюмар алмашувчан кузовли агрегатни ишлаб чиқиш ишларини ҳал этиш вазифаларини ишлаб чиқиш.

ЎзР Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 16-сентябрдаги ПҚ-3283 – сонли қарорида “Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада тизимли чуқурлаштириш, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш соҳасида илғор технологияларни фаол жорий этиш, фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг унумдорлигини барқарор ошириб бориш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, Жаҳон банки билан ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадлари кўзда тутилган [1].

Ушбу қарорда кўрсатиб ўтилгандек аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашда чорвачилик хўжаликлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга жиддий эътибор қаратилган.

Чорвадор фермер хўжаликларининг чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлиги асосан ишлаб чиқариш технологик жараёнларининг электромеханизациялашганлик даражасига боғлиқдир. Ҳозирги кунда кичик ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликларида асосий ишлаб чиқариш жараёнлари қўл меҳнатига асосланган, жумладан озуқаларни тайёрлаш ва тарқатиш, сигирларни соғиш, гўнглари йиғиштириш ва бошқалар.

Республикамизда чорва моллари рақибиде дағал хашак, пичан ва силос 50 фоиздан ошиқни ташкил этади. Натижада 200-300 бош қорамол ва 400-500 бош майда туёқли чорва моллари мавжуд фермаларда ҳар куни 7-10 тоннага яқин озуқани тарқатишга тўғри келади ва озуқа ортиш-тушириш учун қўшимча 5-6 киши жалб этилади. Ундан ташқари сув, ёқилги, сут, гўнг ва бошқа материалларни ташиш транспорт ишлари мавжуддир. Уларнинг ҳар бири учун махсус техника воситаларини харид қилиш қа ишлатиш учун фермер хўжаликлари имкониятлари чегаралангандир.

Чунки ҳозирда ем-хашакларни ташишда қўлланилаётган ТТЗ-60.10, ТТЗ-80.10 ва МТЗ-80 тракторлари ҳамда 2ПТС-4-793А тиркамалари ишончилиги, ҳаракат тезлиги ва маневрчанлигининг пастлиги, йиғиштирилган ҳар хил кўринишдаги озуқаларни ташишга мослашмаганлиги, улардан озуқаларни ҳам ташиш, ҳам тарқатишда фойдаланиб бўлмаслиги сабабли бугунги кун талабларига жавоб бераолмай қолмоқда.

Юқоридаги муаммолар Республикамизда чорвачилик машиналари комплексини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, чорвачилик машиналарини босқичма-босқич равишда ишлаб чиқиш орқали чорвачиликни механизациялаш даражасини ошириш, ем-хашакларни йиғиштириш, ташиш, тарқатиш ва сув, ёқилги, сут, гўнг материалларини ташишда иш сифатини яхшилаш ва сарф-харажатларни камайтиришга илмий жиҳатдан ёндошишни тақозо этади.

Мақолада кўтарилаётган масалалар биринчи марта таклиф этилаётган бўлиб, илгари бунга ўхшаш ишлар фақат чет мамлакатлар компаниялари тарафидан кўрилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Америка ва Европа давлатлари, Австралия ва бошқа жойларда юқори самарали замонавий чорвачилик машиналарини ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, жорий этилаётганлиги сабабли ҳам уларда чорвачилик ривожланиб, маҳсулдорлик юқори бўлмоқда.

Озуқа тайёрлаш ва уларни тарқатиш машиналари катта валюта ҳисобига Ўзбекистонга хориждан олиб келинаёпти ва хориж техникаларини Республикамизга олиб келиш, уларни реклама қилиш, чорвадор фермерларга етказиш ва унинг техник сервисини ташкил этиш буйича “SN INVEST” фирмаси, Agralis GmbH компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва бошқа ишбилармон ташкилотлар иш олиб бормоқдалар. Жумладан, SN INVEST корхонаси Беларуссиянинг ИСРК 12 “Хозяйн” майдалагич-тарқатгичини, Туркиянинг юклагичли ҳажми 6 м<sup>3</sup> бўлган аралаштиргич-тарқатгичини, Agralis GmbH компанияси Verti Mix Double озуқа аралаштира-диган ва таксимлайдиган тиркамасини, “Штраутманн” компанияси алмашинадиган ишчи кузовли Eisele FW 240 озуқа ташувчи ва тарқатувчи ҳамда далага суюқ гўнг чиқарувчи тиркамали системани Ўзбекистонга олиб келишган[2; 3; 4; 5].

Ушбу техникалар ишлаб чиқариш ҳажми катта бўлган саноат асосидаги чорвачилик фермаларига мўлжалланган. Уларни кичик чорвачилик фермер хўжаликларида қўллаш рентабелли эмас ёки мутлақо қўллаб бўлмайди. Бундан ташқари уларни олиб келиш, ўрнатиш, ишлатиш ва техник сервисини ташкил этиш катта маблағ талаб этади.

Таъкидлаш лозимки, Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти (ҚХМ ва ЭИТИ) томонидан кўп звеноли тракторли поездлар, ем-хашак йиғиштириш машиналарини ишлаб чиқиш, “Трактор” МКБ да эса “Нью-Холланд” компаниясининг TL-100 трактори базасида бир ўқли тягач ва унга шарнирли уланган бир кузовли ярим тиркамали ва икки ўқли бир кузовли тиркамадан тузилган транспорт воситасини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар бажарилган ва ҳозирги кунда тўхтаб қолган.

Ушбу муаммо бўйича ҳозирги кунда ТИҚХММИ, ҚХМ ЭИТИ ва “Трактор” МКБ корхоналари олимлари билан биргаликда чорвадор фермер хўжаликлари учун озуқаларни ташиш ва тарқатиш ҳамда фермер хўжаликлари ички ишларида маҳсулотларни транспортировка қилиш учун ўзиюлар алмашувчан кузовли агрегатни ишлаб чиқиш ишларини ҳал этиш мўлжалланган.

Юқорида келтирилганлардан келиб чиқиб ва мазкур масаланинг долзарблигини ҳисобга олиб, ишни босқичма-босқич олиб бориш режалаштирилди ва биринчи босқичда қуйидаги вазифалар ҳал этилади:

- чорвачиликда озуқаларни ташиш ва тарқатишга қўйиладиган агротехник ва зоотехник талабларни ва озуқаларнинг физик-механик хоссаларини ўрганиш;

- ҳозирги кунда хориж ва мамлакатимизда чорвачиликни механизациялашнинг аҳолини ўрганиш ва бунда озуқа ташиш ва тарқатишда қўлланиладиган универсал энергетик воситаларни қиёсий таҳлил қилиш;

- жаҳондаги илғор компаниялар томонидан ишлаб чиқиладиган ва чорвачиликда қўлланиладиган ўзиюлар шассиларнинг асосий параметрларини ўрганиш;

- ўзиюлар шассини компновкалаш учун дастлабки техник параметрларини аниқлаш;

- ўзиюлар шассининг дастлабки тортиш тавсифлари, кинематик, мустаҳкамлик ва бошқа ҳисобларини бажариш, оғирлик параметрларини аниқлаш;

- ўзиюлар шасси ва у билан агрегатланадиган алмашувчан кузовли озуқа ташиш ва тарқатишда қўлланиладиган воситанинг конструкциясини ишлаб чиқишга техник топшириқни ишлаб чиқиш ва келишиш;

- ўзиюлар шассини озуқа тарқатгич билан дастлабки компоновкалаш;

- ўзиюрар шасси ва у билан агрегатладиган алмашувчан кузовли озуқа ташиш ва тарқатишда қўлланиладиган воситасининг конструкторлик хужжатлари (КХ) ни ишлаб чиқиш;

- ўзиюрар шасси ва у билан агрегатладиган алмашувчан кузовли озуқа ташиш ва тарқатишда қўлланиладиган воситасининг синов нусхасини тайёрлаш;

- ўзиюрар шасси ва у билан агрегатладиган алмашувчан кузовли озуқа ташиш ва тарқатишда қўлланиладиган воситасини лаборатория шароитида экспериментал тадқиқ қилиш ва дастлабки дала синовларини ўтказиш;

- дастлабки хўжалик синовлари натижалари бўйича ўзиюрар шасси ва у билан агрегатладиган алмашувчан кузовли озуқа ташиш ва тарқатишда қўлланиладиган воситанинг конструкторлик хужжатлари (КХ) га тузатишлар киритиш;

- тузатилган конструкторлик хужжатлари (КХ) асосида ўзиюрар шасси ва у билан агрегатладиган алмашувчан кузовли озуқа ташиш ва тарқатишда қўлланиладиган воситанинг конструкциясига тузатишлар киритиш;

- ўзиюрар шасси ва у билан агрегатладиган алмашувчан кузовли озуқа ташиш ва тарқатишда қўлланиладиган воситанинг кенг хўжалик синовларини ўтказиш;

- ўзиюрар шасси ва у билан агрегатладиган алмашувчан кузовли озуқа ташиш ва тарқатишда қўлланиладиган воситасини иктисодий кўрсаткичларини аниқлаш ва ундан фойдаланиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 й. 16 сентябрдаги ПҚ-3283-сонли “Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки хамда Халқаро тараққиёт ассоциацияси иштирокида “Ўзбекистон республикасида чорвачилик секторини ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида қарори. Тошкент ш.

2. Проспекты выпускаемых сельскохозяйственных машин заводом “Запагромаш” (Беларусия). [www.zapagro.ru](http://www.zapagro.ru)

3. Проспекты выпускаемых сельскохозяйственных машин заводом “Ростселмаш” (Россия). [www.rostselmash.com](http://www.rostselmash.com)

4. Проспекты выпускаемых сельскохозяйственных машин компанией “DeLaval” (Швеция). [www.DeLaval.zao@delaval.com](mailto:www.DeLaval.zao@delaval.com)

5. Проспекты выпускаемых сельскохозяйственных машин компанией “Strautmann” (Германия). [www. Strautmann.com](http://www.Strautmann.com)